БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 246 (4345)
28 ОКТЯБРЬ 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Халқ хўжалиги мутахассислари! Ихтирочилар ва рационализаторлар! Техникани, технологияни, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштирингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

Шаҳримизда радио-телевизион минора жадал суръатлар билан қад кўтармоқда. Уни бунёд этишда «Спецстальконструкция» трестининг 26. механизация бошқармаси коллективи фаол иштирок этяпти. Ҳозир бу ноёб минора баландлиги 102 метрдан ошди.

СУРАТДА: юқорида— минора қурилиши манзараси; пастда —илғор монтажчи Шуҳрат Исаев.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИДА ЗАРБДОРЛАРЧА ИШЛАЙЛИК

• Шаҳар индустрияси рапорти

ЎН ОЙЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съезди ва Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича ўн ойлик планни муддатидан илгари — 27 октябрда адо этдилар.

Октябрь, Собир Раҳимов, Ҳамза ва Чилонзор районларининг меҳнаткашлари В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, «Малика» трикотаж бирлашмаси, «Ташсельмаш» ва «Миконд» заводларининг коллективлари катта муваффақиятга эришдилар.

Шаҳар корхоналарида КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахта давом этмоқда. «Беш йилликкa—зарбдор якун», «Йиллик план—7 ноябрга»—уларнинг жанговар шиоридир.

Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада туриб баракали меҳнат қилмоқда. Сиз мана бу фотолавҳада корхона муқова цехидаги Евгения Сапрунова бош бўлган илғор муқовачилар бригадаси аъзоларини кўриб турибсиз. Бу бригада беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қила бошлади.

М. Нуриддинов фотолари.

Газлама жилоси

Республика Енгил саноат министрлигининг бадиий-техника кенгаши Тошкент тўқимачилик комбинати рассомлари тайёрлаган бир қатор расмларни кўриб чиқиб, уларга юксак баҳо берди. Бу расмлар асосан хотин-қизларнинг енгил кўйлаклари учун мўлжалланган. Газламаларга манзарали ўсимликлар ва чиройли очилган гул расмлари туширилган. Жюри айниқса сатин, бўз, ва чита туширилган расмларни юқори баҳолади. Бу расмларни комбинат рассомлари Нодира Илҳомова ва Галина Сергеева тайёрлашган.

Тўқимачи рассомлар шу йилнинг кейинги уч ойи мобайнида газламалар учун 37 хил, қоғозлар учун 57 хил расм ишлаб чиқишди.



РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ДАЛАНИНГ ЕНИДА ЗАВОД

Янгиқўрғон районидаги «Комсомолобод» сабзавотчилик совхози ўзининг консерва цехи ишга туширилганлиги туфайли бу йил салкам 150 минг сўм қўшимча фойда олди. Қайта ишловчи корхоналардан ва темир йўлдан анча олисда жойлашган хўжалик учун тез бузиладиган помидорни ташиш мушкул проблема эди. Эндиликда ҳосилнинг нобуд бўлиши камайди. Консерва цехи биринчи мавсумдаёқ қариб 4 минг тонна помидорни қайта ишлади. Қўшни «Ленинизм» совхозида ҳам худди шундай қайта ишловчи цех қурилиши бошланди.

* * *

НУРОТАНИНГ СУВ МАГИСТРАЛИ

Нурота қувур ариғининг пўлат трассаси яна 50 километр узаяди. Мана шу сув магистралининг сўнгги тўртинчи навбати ёқизила бошланди. Унинг умумий узунлиги келгуси йили 200 километрга боради. Қувур ариқ ҳозирдаёқ Самарқанд областидаги икки чорвачилик совхозининг экинзорларига оби ҳаёт бермоқда. Кўп километрли магистрал бу ерда эски қудуқларнинг ўрнини олди, илгари отарларни суғориш учун ана шу қудуқлардан фойдаланишар эди. Катта инженерлик суғориш системасининг барпо этилиши 26 минг гектар ерни сув билан муттасил таъминлаш имконини беради.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАГА

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши Давлат комитетига қарашли «Узпарфиноводстрой» бошқармасининг Новгород областида ишлаётган меҳнаткашлари йил бошидан буён «Дружба», «Кузьминский» ва «Нелуги» совхозларининг галлакорларига 500 гектардан кўпроқ захи қочирилган ва экин экиладиган ерларни, шунингдек 1700 квадрат метр уй-жойларни топширдилар. Шундай қилиб, мажбуриятларнинг асосий банди бажарилди. Қўрикни комплекс ўзлаштиришнинг Мирзачўл, Сурхон ва Шеробод даштларида орттирилган тажрибаси муваффакиятни кўлга киритишга ёрдам бермоқда. Республика вакиллари йил охиригача яна 500 квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириб, ўнлаб гектар қўриқни ўзлаштириш мажбуриятини олдилар.

* * *

БРИГАДАНИНГ ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИГИ

Бағдод районидаги «Большевик» колхозидан Абдураҳим Икромов бошлиқ пахтачилик бригадасининг деҳқонларини гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда ёрдамчи хўжалик қўл келди. Ўтган йили коллектив бир неча қўй, қўчқор, 200 та товуқ, ғунажин сотиб олди. Моллар учун ем-хашакни пахтакорларнинг ўзлари тайёрлашади, уларга колхоз ҳам ёрдам беради. Бригада ариқлар, каналлар ёқасидаги бўш ётган ерларда пиёз, сабзи, карам, помидор, болгар қалампири, қовун-тарвуз етиштирмоқда. Ёрдамчи хўжаликнинг ҳамма маҳсулоти деҳқонларнинг дастурхонига тортилмоқда. Хўжаликнинг бошқа коллективлари ҳам Абдураҳим Икромов бригадасидан ўрнак олиб ўзларининг ёрдамчи хўжаликларини вужудга келтира бошладилар.

(ЎзТАГ).

ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ВА УНИНГ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ҚАРОРЛАРИГА ЖАВОБАН РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТКАШЛАРИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТИНИ ОШИРДИЛАР. ЎТГАН ЯКШАНБА КУНИ ДАВЛАТГА 44 МИНГ 919 ТОННА ПАХТА ТОПШИРИЛДИ. МАВСУМ БОШИДАН БУЕН ЭСА 5 МИЛЛИОН 812 МИНГ 976 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАНДИ.

Йиғим-теримда Самарқанд области бир кунда 6590 тонна, Андижон области 6477 тонна, ҚҚАССР 5184 тонна пахта тайёрлаб, энг юқори кўрсаткичга эришмоқдалар.

Хоразм области меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини адо этдилар. Ватан хоразмликлардан 410.198 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди.

27 октябрга қадар пахта тайёрлаш йиллик планини Тошкент области 111,39 процент, Бухоро области 110,92 процент, Қашқадарё области 107,93 процент, Самарқанд области 106,59 процент, Сурхондарё области 105,24 процент, Жиззах области 104,42 процент, Сирдарё области 102,51 процент, Хоразм области 100,05 процент, ҚҚАССР 97,60 процент, Фарғона области 94,21 процент, Андижон области 91,96 процент, Наманган области 89,49 процент бажардилар.

26 ОКТЯБРЬ КУНИ РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ 0,77 ПРОЦЕНТИ МИҚДОРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ 100,22 ПРОЦЕНТ АДО ЭТИЛДИ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёзувчиларнинг Боку шаҳрида ўтаётган «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» Бутуниттифоқ ижодий конференцияси қатнашчиларига йўллаган табриги эълон қилинган.

▲ Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг Раиси, Эфиопия меҳнаткашлар партиясини ташкил этиш комиссиясининг Раиси Менгисту Хайле Мариам СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан 27 октябрда расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

▲ 27 октябрь куни Тошкентда саноатнинг атроф-муҳитга ўтказаётган таъсирига баҳо бериш ва атроф-муҳит омилларини ҳисобга олиб, саноатни жойлаштириш мезонларига бағишланган халқаро кенгаш очилди.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида заготовкага машинада ишлов бериш жорий этилиши ҳисобига шартли олти кишининг қўли бўшади. Янги технологияни корхона коллективи кўн-пойафзал саноати марказий илмий-тадқиқот институтининг (Москва) мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқди. Янги технологияни ўзлаштириш ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини оширди ва ҳар йили 7 миллион сўмдан кўп маблағни тежашга имкон беради.

Ўрмон дорихонасида ЯНГИ ЎСИМЛИК

Тошкент ўрмон хўжалиги ходимлари республика учун янги бўлган шифобахш ўсимлик— календуланинг биринчи ҳосилини олдилар. Унинг уруғидан дори заводларида ошқозон яраси, буйрак касали, томоқ оғриғи вақтида ичиладиган дори тайёрланади. Календула—республикада тайёрланаётган шифобахш ўтўланларнинг йиғиндиманчи туридир. Бу ўсимлик шу йил кўкламда Ўзбекистоннинг тўртта ўрмон хўжалигидаги тажриба участкаларида экилган эди.

(ЎзТАГ).

«МАРКАЗ-22»— ЯНГИ КВАРТАЛ

Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг 12-трестнинг 51-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари Собир Раҳимов районининг София проспекти ва Қорасарой кўчалари кесишган жойида янги «Марказ—22» квартали қурилишини бошлаб юбордилар. Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институти меъморлари томонидан яратилган дастлабки 152 квартирали чиройли кўринишдаги бу бино 103, 36 ва 13 квартирали блокларни бирлаштирувчи ягона комплекс шаклида қад кўтаради. Янги кварталда келгусида яна тўртта ана шундай уй-жой комплекслари барпо этилиб, уларда икки минг аҳоли истиқомат қилади.

Ўзида маданий-маиший объектлар, жамоат биноларини ҳам бирлаштирувчи кварталда ер ости гаражлари мавжуд бўлади. Уй-жой комплексининг дастлабки қаватларида эса юқори қаватларда яшайдиган аҳолининг ёрдамчи хоналари жойлашади. Биринчи марта эксперимент шаклида қад кўтараётган ана шу микрорайонни 51-бошқарманинг Н. Турсунов, Ю. Дибердиев, Э. Шоҳмедов бошлиқ бригадалари барпо этяпти. Тез орада бу ерда Пардозлаш трестининг 29-бошқармаси сайқалчилари учун ҳам иш фронти яратиб берилади. Микрорайон қурилишининг 500 киши учун мўлжалланган биринчи навбатдаги уй-жой комплекси келаси йил баҳор ойларида ҳамшаҳарларимизга туҳфа этилади.

ПАРДОЗЛАШ ТУГАДИ

БУГУН

шаҳримизнинг Муқимий кўчасида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студентлари учун қурилган 9 қаватли 221 ўринли ётоқхонада пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Уни Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 153-трестнинг 12-қурилиш бошқармаси бригадалари амалга оширишди. Айниқса, Обид Қодиров бошлиқ бўёқчилар бригадаси ётоқхонага сайқал беришда фидокорлик кўрсатди. Ҳаммаси бўлиб ётоқхона қурилишида 115 минг сўмлик пардозлаш ишлари бажарилди.

Фойдаланишга тахт

Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг ишга туширилдиган объектлари плани бўйича иккинчи ярим йилликда шаҳримизнинг Жаҳон Обидова кўчаси ҳамда Максим Горький проспектида бешта тўрт қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Айни пайтда шу уйлардан иккитасида қурилиш ишлари тугаш арафасида турибди, иккитасида эса бу ишлар қизғин давом этмоқда.

БУГУН

ана шу беш қаватли бинолардан бирини 4-трестга қарашли 38-бошқарманинг бригадалари фойдаланишга тахт қилиб қўйдилар. Унга сайқал бериш ишларини 43-бошқармани, шунингдек, 2-Пардозлаш трестининг бригадалари бажарганлар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Маданият министрлигининг кўргазмалар зали. Кичик фойелар ҳам, кўргазмаларни ҳам санъат мухлислари билан гавжум. Ўзбекистон рассомларининг ҳар бир кўргазмаси ҳамиша ана шундай гавжум бўлади. Деворларда осилиқ турган суратлар, ранг-баранг тасвирлар, манзараларни оҳиста кўздан кечириб борар экансиз, бошқа бир оламга кириб бораётганингизни билмай қоласиз. Дафъатан рангларнинг тўлқини, улардаги тасвирлар оқими сизни ўрайди-да олиб кетаверади. Сиз тансиқ хотиралар — кайтмас кунларингиз билан яна бир бор дийдор кўришасиз. Ҳув қирлар қўйнида, чанг кўчаларда, даҳа ёнидаги чимзорда болалигингизни қолдириб кетганингизни «Вақт»нинг мовий отлари» расмини кўриб бирдан хотирлайсиз.

Мана, «Қадрдон дарахт». Сиз бегам бир болакай бўлганингизда у нозик бир ниҳол эмасмиди? Ёки марҳум бобонгизни эслатмайдими? У нима бўлмасин, барибир, сизнинг ардоқли соғинчларингиз, азиз кечинмаларингиз. Ёркин кунларингизнинг ранглари, сукутини ўзида сақлаб турибди. У қадрдон. «Жимжитлик», «Қумқўрғон олмалари», «Қалдирғоч», «Жилга», «1 сентябрь», «Кизнинг туғилиши»... «Г. А. Пугаченкова портрети», «Рўзи Тошевнинг ахил оиласи», «Оилавий автопортрет», «Наврўзжоннинг уйкуси», «Қўшиқ»... Бу ларнинг муаллифи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рўзи Чориевдир. «Мени одамнинг яратувчилик руҳи қизиқтиради. Индивидуаллик, оригиналлик ва ўзига хослик изланишлари одам образини монументаллаштириш истаги билан уйғунлашади. Лекин мен, барибир, ҳаёт билан бевосита тўқнаш келган пайтдагина ўзимнинг ҳақиқий асаримни яратаман».

Бу Рўзи Чориевнинг ўз сўзлари. Кўргазмада унинг 30 дан ортиқ рассоми 200 дан ортиқ асари билан иштирок этмоқда. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Григорий Улко, Владимир Бурмакин, Евгений Мельников, Юрий Талдикиларнинг бу ерда намойиш қилинаётган асарларида замон нафаси, инсон кечинмалари фалсафий тарзда талқин этилади.

РАНГЛАР БАЙРАМИ

РЕПОРТАЖ

иши намойиш қилинмоқда. Бу асарлар турли йилларда яратилган. Уларда замондошларнинг ички дунёси, ўй-кечинмалари рассом мўйқаламининг ўзига хос ранглари билан жилоланади.

—Мен,—дейди ёш рассом И. Охунов, — ҳар гал Рўзи Чориевнинг янги асарлари билан танишар эканман, уларда ўзим истаган, ўзим кўришни жуда-жуда хоҳлаган нарсаларни албатта топа оламан. Унинг ҳар бир янги асари янги бир дунё, шу билан биргаликда уларда ўша мен билган Чориев борлиги кишини қувонтиради. Унинг бу кўргазмадаги «Кизнинг туғилиши», «Жимжитлик», «Автопортрет», «Наврўзжоннинг уйкуси» каби суратлари айниқса кучли таассурот қолдирди.

Кўргазмада республикамизнинг бешта Г. Улконинг ижодида бир-бирига боғлиқ иккита проблема алоҳида ўрин эгаллайди. Уларнинг бири, инсонда ҳаётнинг турли вазиятларида туғиладиган ижодий бошланишнинг тасдиқланиши бўлса, иккинчиси, авлодлар анъанаси, урф-одатлар, инсонпарварлик идеаллари билан боғлиқдир. «Самарқанд натюрморти», «Вақт», «СССР ҳалқ артисти Малик Қаюмов портрети», «Замин ва осмон», «Шердор» каби асарлари унинг ўз услубига содиқ эканлигини яна бир бор исботлайди.

Юрий Талдикин учун эса инсон— бу меҳнаткаш, руҳий гўзаллик ва яхшилик учқунларини ўзида мужассамлаштирган илоҳ ҳом манбаи. Унинг «Эслаш», «Сўзангарон кўчаси», «Мен сени кутаман», «Мовий симфония», «Самарқанд оҳанги», «Самарқанд манзараси», «Эски қишлоқнинг янги томлари», «Бухорода» сингари асарлари қаршисидан бефарқ ўтиб бўлмайди.

Евгений Мельников бўлса ҳаёт дунёсининг кенглиги, инсон характерлари ва табиат ҳолатларини эҳтиросли очиб бериши билан алоҳида ажралиб туради. «Вақтнинг мовий отлари», «Кўзгудаги акс (Автопортрет)», «Санъат» натюрморти», «Алвон қоиларр», «Туш», «Махтума» ва «Элегия» каби бир қатор асарлари ижодининг ана шу қирраларини намоён этади.

Владимир Бурмакин ижодида икки чизиқ ҳамиша параллель боради. Булар янги формалар излаш—эксперимент ва ҳаётга поэтик ҳис билан қараш чизиқларидир. В. Бурмакиннинг «Анор», «Кимнинг ота яхши», «Интерьер», «Зоҳид Ҳақназаров портрети» ҳамда «20-йиллар — Ер учун» картиналари фикримизни исботлайди.

— Кўргазма томошабинда яхши таассурот қолдирди,—дейди Ўзбекистон Рассомлар союзининг раиси Раҳим Аҳмедов,—Суратларнинг ҳаммаси ҳам юксак савияда. Муҳими, рангларда ҳаёт бор.

Дарҳақиқат, кўргазма залларини, фойеларни айланар эканмиз, деворда осилган тасвирлар тилга киргандай бўлади. Уларда хаёл ҳам, тасаввур ҳам бор. Уларда болаликнинг сўқмоқлари ҳамон тирик, ёмғирлар уларда тирикликни тараннум этмоқда, дарёлар кўшиқ айтмоқда. Уларда киши унутилмас, азиз ранглар байрамини ҳис этади.

С. САИДОВ.

МАҲОРАТ КЎРИГИ

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси студентлари турдош музика ўқув юртларидаги тенгдошлари билан яхши дўстлик алоқасини ўрнатганлар. Яқинда бу ерда Финляндия пойтахти Хельсинкидаги Сибелиус номли консерваториянинг педагог ва студентлари меҳмон бўлдилар. Дўстона учрашув маросими икки консерватория ижодкорларининг чинакам маҳорат байрамига айланиб кетди. Меҳмонлар фин консерваторияси ва унда таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши, ўқитиш жараёнлари, халқ чолғу асбоблари ва ансамбллар ҳақида гапириб бердилар.

Учрашув ниҳоясида икки консерватория талантлари иштирокида концерт берилди.

БИЛИМ МАСКАНЛАРИДА

Диққатга сазовор

Октябрь районидаги Турсун Раҳимбобоев раҳбарлик қилаётган Свердлов номли 41-мактабнинг очилганига эндигина уч йил бўлди. Шунга қарамай, бу ерда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Жумладан, мактабда кабинет системаси жорий қилинган бўлиб, ўқитувчилар ҳар бир дарсни махсус кабинетда ўтказадилар. Машғулотлар кўргазмали қуроллар асосида олиб борилади.

Мактабда куни узайтирилган группалар мавжуд. Ўқувчилар кинотеатрларга, музейларга бориб турадилар, сайилларда иштирок этадилар.

Мактабда юзга яқин мураббий бўлиб, уларнинг асосини олий ва ўрта махсус таълим юртларини тугатган хотин-қизлар ташкил этади. Еш педагогларга касб сирларини ўргатишда тажрибали ўқитувчилардан Муяссар Толипова, Зумрад Юнусова, Дилором Ҳошимова, Матлуба Усмоновалар ибрат бўлишмоқда.

М. ЗАИНИДДИНОВА.

телетайп лентасидан

● ПАРИЖ. Франциянинг меҳнат аҳли «Маниюфранс» заводи металлчиларининг корхона ёпилишига қарши, меҳнат қилиш ҳуқуқи учун олиб бораётган нураши билан бирдамлигини билдирмоқда. Корхона ёпилса икки мингга яқин киши ишсиз қолиши мумкин.

Мамлакатда оғир иқтисодий танглик ҳукм сураётган, шу йил октябрининг ўзидагина 1500 фабрика ва завод фаолиятини тўхтатган шароитда Сент-Этьенда корхонани сақлаб қолиш учун кураш умумиллий вазифага айланмоқда. Франциянинг энг катта касаба союз бирлашмаси— Умуммеҳнат конфедерациясининг мамлакатлар барча меҳнаткашларига мурожаатида «Манюфранс» металлистларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этмоқ учун барча кишиларнинг куч-қувватларини бирлаштириш зарурлиги айтилади.

● МЕХИКО. Америка мамлакатларининг жаноатчилиги Хитой атмосферада ядро қуролини яна портлатганлигининг хатарли оқибатларидан гоят ташвишланмоқда. Ана шу синов натижасида радиактив булут Америка қитъасига етиб келди.

Мексиканинг «Моль де Мехико» газетаси Пекиннинг масъулиятсизлик билан қилган ҳаракатларини қоралаб, радиактив булутнинг Америка устидан ўтиши кўпдан-кўп мамлакатлар, шу жумладан, Мексика учун жиддий хавф-хатар тугдиришини таъкидлайди. Шу радиоактив радиактив чўкиндилар қанча вақтгача тушиб туришини ҳисоблаб чиқиш амри маҳол, деб ёзади газета. Аммо бир нарса равшан: уларнинг зарарли таъсири узоқ вақтгача давом этади. «Моль де Мехико» газетаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 16 октябрда Хитой атмосферада ядро портлатган каби портлатишларга бундан буён йўл қўймаслик мақсадида чоралар кўриши лозим, деб ҳисоблайди.

● ПНОМПЕНЬ. Кампучиянинг бир қанча вилоятларида тезпишар шоли ва жўхори ҳосили ўриб йиғилмоқда. Халқ революцион ҳокимияти деҳқонларга ёрдам бермоқдалар.

СПК информация агентлигининг хабар қилишича, шу йил шоли ва бошқа озиқ-овқат экинлари майдони 1,2 миллион гектарга етиб, бултургига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди.

● ТОКИО. Кейинги йилларда ноқулай обҳаво шароитлари сабабли Япония қишлоқ хўжалигига етказилган зарар қарийб 700 миллиард иен бўлди. Деҳқончилик, ўрмончилик ва балиқчилик министрлигининг бу ерда эълон қилинган докладида шу ҳақда гапирилади. Донли экинларга, биринчи навбатда япларнинг асосий озиқ-овқати шоли майдонларига айниқса жиддий зарар етказилди. Министрликнинг эътироф этишича, қишлоқ хўжалигида урушдан кейинги даврда энг танг вазият вужудга келган.

(ТАСС).

...ЁҚИЛГИ ВА ЭНЕРГИЯНИ КЕНГ ҚУЛАМДА ТЕЖАБ-ТЕРГАШ БИЗНИНГ ПЛАНЛАРИМИЗГА АСОС ҚИЛИБ ОЛИНИШИ КЕРАК... БУНДА МЕН ХУЖАСИЗЛИККА ҲАМДА ИСРОФГАРЧИЛИККА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ КУРАШ БЕРАДИГАН ТЕЖАМКОРЛИКНИ ҲАМ, ШУНИНГДЕК СОБИТҚАДАМ ТЕХНИКА СИЕСАТИ ВА КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАР СИЕСАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТЕЖАМКОРЛИКНИ ҲАМ НАЗАРДА ТУТАЯПМАН».

(Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумидаги нутқидан).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ХАЛҚ КОНТРОЛИ

Тошкент лак-бўёқ заводи коллективи йил охиригача планга қўшимча равишда 125 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Уларнинг кўпчилик қисми тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига тайёрланади.

• *Иш тажрибасидан*

ҲАМКОРЛИКДА

Халқ бойлигини тежаб-тергаш корхонамиз халқ назоратчилари ишида муҳим ўрин тутади. Коммунистлар билан ҳамкорликда, партия комитети раҳбарлигида халқ назоратчилари хом ашё, материал, ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаб-тергаш учун астойдил курашмоқдалар.

Назоратчилар бош группасида — етти сектор бўлиб, жумладан тўрттаси бевосита иқтисодий тежамкорлик ишлари билан шуғулланади. Корхона цехлари ва участкаларида социалистик мулкнинг қандай муҳофаза қилинаётганлиги устидан юзга яқин халқ назоратчилари текширув олиб боришмоқда.

Партия ташкилотининг иқтисодий тежамкорлик бўйича комиссияси халқ контроли группаси билан биргаликда ҳар йили кўрик-конкурслар ўтказяпти. Бу йилги кўрикда 200 дан ортиқ киши деталларни, электр энергияси ва хом ашёни тежашга қаратилган таклифлар киритишди. Бу таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиш беш йиллик бошидан буён икки миллион киловатт-соатдан ортиқ электр, етти минг гигакалорийга яқин иссиқлик энергияси, икки минг тоннадан кўпроқ қимматли хом ашё тежаш имконини берди.

Корхона назоратчилари идишлар тагида қолаётган юкларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Идишлардан қолдиқларнинг тушириб олиниши туфайли ҳар йили 20 тоннага яқин фталий ангидриди, 15 тоннага яқин пентаэритрит ва кўплаб бошқа хил маҳсулотлар тежаб қолинмоқда.

Ишлаб чиқаришда резервларни қидириб топишда меҳнат ветеранлари — Ю. А. Матвеев, Н. Я. Сигова, Г. Г. Ушаков, О. Усканбоев, ака-ука Гаврилов ва бошқалар раҳбарлик қилишмоқда.

Назоратчилар съездолди мусобақасида маҳсулотнинг сифатли бўлишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, улар кўмагида социалистик мажбуриятнинг муҳим пунктларидан бири бажарилди — икки хил эмалга давлат Сифат белгиси берилди. Шундай қилиб, бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ўндан бир қисмига фахрли беш қиррали белги қўйилмоқда.

Г. МАКЛАКОВА,
Тошкент лак-бўёқ заводи партия комитети секретари.

• Коллектив имкониятлар топмоқда
• Электр энергияси исрофгарчилигига чек қўйилсин
• Иккиламчи хом ашё — ишлаб чиқаришга
• *Қиш бошланса — чи?*

Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг халқ назоратчилари ишлаб чиқариш программасининг бажарилишида, энергетика ва моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишда салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Булар орасида айниқса халқ контроли бош группаси аъзоси ёш коммунист Григорий Фокин фаол иш олиб бораяпти.

СУРАТДА: халқ назоратчиси Г. Фокин Г. Ложкин ва Д. Боймуҳамедовнинг (ўнгдан чапга) бажарган ишларини кўздан кечирмоқда.

ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Шаҳар халқ контроли республика пойтахтидаги таксофонлар ишини таҳлил қилди. Аҳолига телефон алоқаси хизмати кўрсатишда бир мунча камчиликлар топилди. Ленин район узели бошлиғи Ризаев ва Собир Раҳимов район телефон узели бош инженери Одилов ўртоқлар шаънига танқидий гаплар айтилди. Ишни қониқарсиз ташкил этганликлари учун уларга хайфсан эълон қилинди.

Комитет йўл қўйилган камчиликда айбдор раҳбарларга ишни яхшилашга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирлар планини ишлаб чиқишни топширди. Ижронинг аниқ муддати белгиланди.

Жойлардан дараклар

ТАШАББУС КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙДИ

Тошкент экскаватор заводи коллективи ўртасида нқтисодий тежамкорлик оммавий юриши давом этмоқда.

Бу юришни йигув цехи халқ назоратчилари бошлаб беришди. Назоратчилар корхона бош энергетиги билан маслаҳатлашиб, доимо ишлатиб келинаётган лампаларни бир мунча тежамлироқ лампалар билан алмаштиришни таклиф қилишди. Бунинг натижасида цехда сарфланадиган электр энергия икки бараварга қисқарди.

Йигувчилар ташаббусини қуювчилар ҳам қўллаб-қувватлашди. Қуювчилар томонидан шихтларни қизитишда сарфланадиган электр-энергиясини тежаш таклифининг жорий этилиши 100 минг киловатт-соат электр энергия тежаш имконини берди.

Назоратчилар таклифи билан чиқинди сувлардан қайта фойдаланиш имкони вужудга келди. Бу, ўз навбатида юз минг киловаттга яқин электр энергияси тежаш, сув сарфини икки баравар қисқартириш имконини берди.

Корхона халқ назоратчилари «Комсомол прожектори»ни касаба союз ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб, иш натижаларини «Яшин», «Сигнал» варақаларида ва фотоайбномада ёритишмоқда.

ҚИШГА ТАХТ

Шаҳарда биринчи бўлиб Киров район уй-жой бошқармаси ходимлари қишки иситиш мавсумига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилганлиги тўғрисида хабар қилдилар.

Бошқармага уй-жой фондини қишга тайёрлашда райондаги халқ назоратчилари катта ёрдам кўрсатишди. Улар уй-жойлардан фойдаланиш идораси ҳамда авария-диспетчерлик хизмати вакиллари билан биргаликда томлар ва санитария-техника ускуналари ремонти билан боғлиқ бўлган бир қатор текширувлар ўтказишди.

Бундан ташқари, район назоратчилари аҳолидан тушган сигналлари ҳам ҳисобга олишди. Жумладан, «Марказ—5» кварталидаги кўп қаватли уйлар яхши иситилмаётганлиги тўғрисида шикоят тушган эди. Бу ерда уйларни иситиш тармоқлари иши яхшиланди.

ЯХШИ САМАРА БЕРДИ

Пойтахтнинг Куйбишев районидаги халқ контролининг 262 бош группаси шу йил бошидан буён плантопшириқларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш, маҳсулот сифати, социалистик мулкнинг муҳофаза қилиниши устидан беш минг га яқин текширув ўтказди.

Текширув кўпчилик якунларининг материаллари группалар мажлисларида кўриб чиқилди, бошқаларга эса, — корхона ва ташкилотлар раҳбарларига чора кўриш учун юборилди.

Халқ назоратчилари группа мажлисларини корхона ва бўлимлар раҳбарлари иштирокида ўтказаётганликлари туфайли ўз фаолиятларида яхши самарага эришмоқдалар. Ҳар бир текширув, рейд материалларини кўриб чиқишда партия комитетлари, бюро аъзолари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари таклиф қилинади.

Район ташкилотларидаги кўпгина бош группаларнинг раислари аксарият ишлаб чиқариш йиғилишларида қатнашадилар. Бу уларга коллектив олдига қўйилган актуал вазифаларни ҳал этишда назоратчиларнинг куч-гайратларини мақсадга мувофиқ йўналтириш имконини бермоқда.

ШИОРЛАРИ — ОШКОРАЛИК

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчиларнинг ишга кечикиб келишлари, ишга чиқмаслик, ишдан барвақт кетиш каби ҳоллари эътиборсиз қолдирилмайди.

Булар ва ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланилмасликнинг бошқа сабабларини фабрикада чиқадиган «Обувщик» кўп нусхали газетасида, фабрика территориясида ўрнатилган «Экран» ва фотостендларда ҳар тарафлама кенг ёритишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Кўп нусхали газетанинг сўнгги сонларидан бирида ишлаб чиқариш участкаларидаги меҳнат интизомининг аҳволига таниқидий баҳо берилди, иқтисод ва тежамкорлик режимини бузувчилар номи аниқ кўрсатилди. Сафиҳада 1-пойафзал фабрикаси халқ назоратчилари умумфабрика ранси А. Охунновнинг очиқ хати босилган.

Г. ТУРҒУНБОЕВ,
инженер-иқтисодчи.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ПОЧТАСИДАН

Оқилона иш юритиб

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришнинг кечикишида идишлар ва қадоқлашга сарфланадиган маблағлар муҳим роль ўйнайди. Бу айниқса майдаланган ва қуйиладиган маҳсулотлар турига тегишлидир.

Масалан, синтетик ювиш воситалари фабрикаси ҳамда пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводининг ўзидагина ой сайин ўрт юз мингга яқин ҳар хил каттакичиклиқдаги идишлар керак бўлади. Тошкентдаги бошқа корхоналарда ҳам кичик ҳажмдаги идишлар кўплаб ишлатилади.

Халқ истеъмоли товарлари маълумки, асосан аҳоли ихтиёридаги сарфланади ва идишлари сақланади. Озиқ-овқатлардан бўшаган шиша идишлар махсус пунктларда қабул қилинишини биз биламиз. Саноат маҳсулотларидан бўшаган идишлар эса чиқиндига ташланади. Улардан ҳам қайта фойдаланиш мумкин эмасми? Мумкин. Бунинг учун ленинградликлардан ўрнак олиб, бизнинг шаҳримизда ҳам қайта бор фойдаланиш мумкин бўлган идишларни аҳолидан қабул қиладиган пунктлар очиш керак. Чунки шаҳримиз корхоналари юз ва минг километрлаб масофалардан келтириладиган майда идишларга эҳтиёж сезмоқда. Бизда эса, бундай идишлар чиқитга чиқариб ташланмоқда...

Г. ТУРҒУНБОЕВ,
инженер-иқтисодчи.

ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

САВДОДАГИ НУҚСОНЛАР

Шаҳар халқ контроли комитети шаҳардаги савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида совет савдоси ва давлат чакана нархлари қоидаларининг қўпол равишда бузилиш масаласини кўриб чиқди.

Текширувда шу нарса аниқландики, Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг айрим савдо ташкилотлари — «Таштекстильшвейторг», «Ташгалантерейторг» ва «Ташобувторг» ишда савдо ва давлат чакана нархлари қоидаларига риоя қилишда ижобий натижаларга эришганлар. Бу савдо ташкилотларининг қирққа яқин корхоналарини текшириш натижасида қоида бузишлик топилмади.

Шу билан бирга, озиқ-овқат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналарида савдо ва чакана нархларда қоидаларни қўпол равишда бузиш ҳоллари ҳам учраб келинди. Аксарият харидорларнинг ҳақидан ва тарозидан уриб қолиш, кўплаб талаб қилинадиган товарларни яшириш, овқатларнинг сифати пастлиги каби фактларга дуч келинмоқда.

Шаҳардаги Ҳамза, Киров, Куйбишев, Чилонзор, Ленин районларининг 88 та озиқ-овқат магазинлари текширилганда уларнинг иккидан бирида харидорларнинг ҳақидан ва тарозидан уриб қолиш, камёб товарларни яшириб қўйиш фактлари очилди. Масалан, Ҳамза райпишторгига қарашли 16 савдо корхонасида текширув ўтказилганда эллиқта қонида бузишлик юз берди. Жумладан, 37 тасида харидорлар ҳақига хиёнат қилинди ва тарозидан уриб қолинди...

Шаҳардаги Фрунзе, Собир Раҳимов райпишчеторгида умумий овқатланиш корхоналарида ва «Ташлимводторг»да ҳам шундай фактлар мавжудлиги аниқланди.

Қўл остиларидаги магазинлар иши устидан етарли даражада назорат олиб бормаганликлари, савдо қоидалари бузилиши, харидорлар ҳақидан ва тарозидан уриб қолинишига ва кўплаб талаб қилинадиган товарларнинг яшириб қўйилишига йўл қўйганликлари учун Ҳамза райпишчеторги директори Аҳмаджоновага, Ленин райпишчеторги директори Баскакова ва шу район ошхоналар трести директори Хўжаевага хайфсан эълон қилинди.

«Ташлимводторг» директори Исмоилов ва Куйбишев район ошхоналар трести директори Юрьева ўртоқлар қўл остиларидаги корхоналар иши устидан етарли даражада назорат олиб бормаганликлари учун огоҳлантирилди ва р. Шунингдек, Собир Раҳимов район озиқ-овқат савдоси бўлими ҳамда Фрунзе район ошхоналар трести раҳбарларига ўзларига қарашли корхоналарда савдо қоидалари бузилишига йўл қўйганликлари қайд этилди ҳамда уларга мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун зудлик билан тадбирлар амалга оширилиши ўқтирилди.

Савдо Бош бошқармаси ҳамда умумий овқатланиш Бошқармасига шаҳар комитети томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳақида шу йил декабрь ойида хабар қилиш топширилди.

САНОАТНИНГ МУҲИМ ХОМ АШЁСИ

Шаҳар халқ контроли комитети шаҳардаги бир қатор корхоналарда иккиламчи қора металл тўплаш ва топшириш давлат планнинг қандай бажарилаётганлиги масаласини кўриб чиқди. Умуман шаҳарда иккиламчи қора металл тўплаш ва давлатга топшириш плани бажарилаётганлиги қайд этилди. Шу билан бирга комитетнинг «Вторчермет» ходимлари билан биргаликда олиб борган текширувида баъзи корхоналар металл топшириш планини бажармаётганликлари маълум бўлди. Натижада металлургия саноатига ярим миллион тоннадан кўпроқ иккиламчи қора металл кам етказиб берилган.

Шаҳардаги бир қатор корхоналар иккиламчи қора металл тўплаш, қайта ишлаш ва топшириш давлат планларини мунтазам равишда бажармай келяпти. «Таштекстильмаш», экскаватор, «Ташэлектромаш», санитария-техника ускуналари, 2-темир-бетон буюмлари, Узбекистон ССР Транспорт қурилиши министрлигининг ремонт-механика, 3-йирик панелли уйсозлик заводи каби корхоналар шулар жумласидандир. Бу корхоналар иккиламчи қора металл топшириш планини бажармаганликлари учун корхона ҳисобидан кўплаб жарима тўламоқда. Масалан, «Таштекстильмаш» заводи — 11 минг сўмдан, экскаватор заводи — 4 минг сўмдан, «Ташэлектромаш» — бир ярим минг сўмдан зиёд жарима тўлади ва ҳоказо.

Куйбишев районидаги бир қатор корхоналар давлат планини бажара олмади. Масалан, энергостройиндустрия ишлаб чиқариш бирлашмаси шу йилнинг етти ойи мобайнида — 179 тонна, «Гидроспецстрой» қурилиш бошқармаси — 174 тонна, кабель заводи — 58 тонна кам қора металл топширди. Шунингдек, Чилонзор районида ҳам аҳвол яхши эмас. Экспериментал-тажриба механика заводи — 127 тонна, Собир Раҳимов районидаги «Компрессор» заводи — 276 тонна, керамзит заводи — 62 тонна, Сергели районидаги 243-граждан авиацияси заводи — 42 тонна, Ҳамза районидаги 6-темир-бетон буюмлари заводи — 50 тонна, Ленин районидаги «Электроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 119 тонна, Фрунзе районидаги тўқимачилик комбинати — 365 тонна иккиламчи қора металл топширишнинг планини бажара олмади.

Шуни қайд қилиш керакки, текширув пайтида номлари кўрсатилган корхоналарда саноатимиз металлургиясининг муҳим хом ашёси ҳисобланган иккиламчи қора металл запаслари фойдаланилмай ётганлигининг гувоҳи бўлинди. Қора металл топшириш планлари бажарилмаслигининг асосий сабаблари айрим корхоналар раҳбарларининг бу муҳим ишга совуққонлик билан қараётганликларида, улар томонидан етарли даражада талаб ва назорат олиб борилмаётганлигидадир.

Комитет Куйбишев, Чилонзор, Собир Раҳимов, Сергели, Ҳамза район халқ контроли комитетларига иккиламчи қора металл тўплаш ва топшириш давлат планини бажармаган корхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини ўз мажлисларида эшитишни топширди.

• *Рейд материаллари изидан*

ҚИШ — СИНОВ ДАВРИ

«Совуқ тушиб қолди» — Чилонзор районида жойлашган ғарби-жанубий саноат зонасидаги қозонхона ходимлари эрталабдан ишни ана шундай сўзлар билан бошлашади. Ҳамма кўриб-билиб тургани учун ҳеч ким эътироз билдирмайди. Шу пайтгача ремонт қилинмаган сув иситиш қозони тўғрисида гап борганда эса, раҳбарлар муддат қисқалиги, ишчи кучи етишмаслиги каби вож-корсонлар кўрсатишади.

Ремонт ишларининг сусткашлик билан олиб борилаётганлиги сабаби қозонни ишга туширишнинг муддати хавф остида қолмоқда. Тўртта сув иситиш қозони мутлақо ремонт қилинмаганлиги йўқ. Машина залининг эса ҳанузгача ускуналанмаганлиги, иситилмаганлиги. Хизматчилар исиниш учун бошқа йўлини излашмоқда. Буларнинг ҳаммаси қозонхона бошлиғи Кимга маълум. Лекин у ҳамма ишнинг уддасидан чиқолмаётганлигини тасдиқламоқчи бўлади.

Тошкент политехникуми қозонхонасида ҳам аҳвол шу. Бу ерда на қозонлар, на иссиқлик трассалари ремонт қилинмади. Канализация тармоқлари ишдан чиққан. Электр симлари техника хавфсизлигига тўғри келмайди. Бутун территория ҳар хил ишлар ва чиқиндилар билан банд. Қозонхона ётоқхона остига жойлашган. Булар қандай оқибатга олиб келишини директор ўринбосари Аронов яхши билади.

Саноат зонасидаги қозонхонадан бир оладиган «Промсвязь» заводида сув иситиш, ўлчаш асбоблари, клапанлар бу йил текшириб кўрилгани йўқ. Асосий ва ёрдамчи цехлар иситилмаган. Постлар ёнғинга қарши ускуналар билан жиҳозланмаган. Бир сўз билан айтганда завод қиш мавсумида ишлашга тахт эмас. Бу ерда автотранспортлар очиқ ҳавода ремонт қилинмоқда. Совуқ тушиб қолгудай бўлса-чи? Директор Эйхер совуқ унинг корхонасини четлаб ўтишига кафолат бера олмайди-ку?

Чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш Тошкент экспериментал заводида ҳам қишга тайёргарлик аҳволи бундан яхши эмас. Ҳамма ишлаб чиқариш ва маиший хизмат корхоналари ойналанмаган, ёнғинга қарши жиҳозлар йўқ.

«Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг 5 ва 6-автотранспорт корхоналарида эса, қишга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ҳамма ишлар ноябрь охирига қолдирилган.

7-автобус паркида ҳам иш яхши эмас. Қозонхона биноси деразалари ойналанмаган. Қозонни синаб кўрилганлиги тўғрисида акт тузилмаган. Теплотрассалар усти ёпилмаган.

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмаларида ҳам елвизак изгиб юрибди. Натижада 1, 2 ва 4-нон заводларида газнинг ортиқча сарфланишига йўл қўйилмоқда.

Ю. КУРСИЕВ,
Чилонзор район халқ контроли комитети раиси.

Е. ФРЕЙДЕНЗОН.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Чиқинди ҳам даромад манбаи

Бугунги кунда саноат ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тайёрланаётган ҳамма буюмларни бирма-бир санаб чиқиш қийин. Ҳар йили шаҳримизда ўтказилаётган виставка бу ҳақда яхши ҳикоя қилади.

Афсуски, шундай корхоналар борки, уларнинг раҳбарлари иккиламчи хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларига нисбатан кечириб бўлмайдиган даражада муросасозлик билан муносабатда бўлмоқдалар. Масалан, «Узбексельмаш» заводида ҳар йили тунукалардан 500 тоннага яқин қийтим тўпланади. Булардан ўнлаб номда халқ истеъмоли товарлари тайёрлаш мумкин. Вахоланки, корхона маъмурияти қолдиқ металларнинг ҳаммасини «Вторчермет»га топшармоқда.

Тошкент трактор заводида ҳам аҳвол шундай. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида эса айрим қимматли чиқиндилар мутлақо йўқотиб юборилмоқда. Бу ерда ҳар йили 250 тоннага яқин кабель қоғозлари ҳатто иккиламчи хом ашё тайёрлов пунктларига топшириладан йўқ қилиб юбориляпти.

В. ЛИЧЕВ,
шаҳар халқ контроли комитети инспектори.

ЖОЙЛАРДАН ДАРАКЛАР

ТАШАББУСКОРЛИК ОШЯПТИ

Ленин район халқ назоратчилари фаолияти сезиларли даражада ошди. Корхоналар, қурилиш ташкилотларида ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўп текширувлар, рейдлар ўтказилди.

Район комитети кейинги пайтда халқ контроли группа ва постларининг ташаббускорлигини оширишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширди. Масалан, бу ерда ҳар бир группа, штатсиз ходимга топширилган ва ўзлаштирилган ишлар, уларнинг кўрсатган амалий ёрдамлари қайд этиб борилади.

АГАР ЁНҒИН ЧИҚСА — ЧИ?

ФОТОАЙБНОМА

Тошкент консерва заводининг биринчи филиали территорияси оёқ босиб бўлмас даражада айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Қаёққа қараманг бўш яшиклар, шиша идишлар, қоғоз қути чиқиндилари.

— Тўсатдан ёнғин чиқса-чи? — бу ердаги тартибсизликка ногаҳон кўзи тушган кишилар шундай савол беришмоқда.

Бунга корхона раҳбарлари қуйидагича жавоб беришади:

— Ўт ўчириш депосиёнғинамизда. Ўчиришади!

Наҳотки ёнғинга қарши муҳофаза қоидаларини тушунтириш учун ёнғин чиқишини кутиш керак бўлса?

М. Нуриддинов
фотолари.

— Али Бобохонович шу киши бўладилар, — дея таништирди партия ташкилотининг секретари Ю. Соломников. машина ичида тушиб келган норгул, ўрта ёшлардаги йигитни кўрсатиб.

Бодом қовоқли, қарашлари ва сўзлари қатъий Али ҳақиқатда ҳам кўп йиллик иш ва ҳаётий тажрибага эга эканлиги яққол кўзга ташланиб турарди. Биз унинг ишлари, корхона халқ назоратчилари фаолияти билан таништик.

Юрий Кузьмич Соломников 5-таксопарк халқ контроли бош группаси раиси. Али Бобохонович Қамбарбековнинг ўринбосари эди. У сўнгги сайлов да корхона коммунистлари томонидан партия бюросига секретарь қилиб сайланди. А. Қамбарбековнинг ўзи эса, 1973 йилдан буён таксопарк халқ контроли группасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Коммунист сифатида таксопарк партия бюроси секретарининг ўринбосари ҳисобланади. Шу йил халқ контроли группаларида бўлиб ўтган сайловда корхона коллективи Али Қамбарбековга катта ишонч билдириб, уни яна халқ контроли бош группасига раис қилиб сайлади. Нега ҳам сайлашмасин?

Али оддий шофёр, лекин шофёрлар бригадасига бошчилик қилади. Унинг бригадаси коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашмоқда. Али раҳбарлигидаги юздан ортиқ халқ назоратчиларни ўз сафига бирлаштирган тўртта цех группаларининг ғайрат-ташаббуслари билан қанчадан-қанча технологик жараёнлар, хизмат маданиятини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби ишлар амалга оширилмоқда. Беш йиллик бошидан буён планга қўшимча равишда таксопарк коллективи икки миллион сўмликка яқин даромад кўрди. Партия ва ҳукуматимизнинг ёнилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилган кўрсатмаларини ҳамда «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари ва республика халқ контроли комитетининг «Ҳамма нарсадан тежайлик!» деган мурожаатига жавобан, коллектив ўртасида иқтисодий тежамкорлик юриши авж олдирилди. Бунинг натижасида 200 минг литрга яқин бензин, икки юз минг киловатт-соатга яқин электр энергияси тежашга муваффақ бўлинди. Бунга ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янгиликларни ҳамда янги ижодий изланишларни жорий этиш туфайли эришилмоқда.

Бош группа ишидан ибрат олса арзийди. Группа иш планига кўра, цех группалари ишлари устидан назорат олиб борилади ҳамда уларнинг илғор иш тажрибалари оммалаштирилади. Ишлаб чиқилган план группа бюросида, шундан кейин партия бюроси мажлисида кўриб, тасдиқланади.

Группа томонидан ҳисобот даврида 60 дан ортиқ текширув ва ўндан кўпроқ рейдлар ўтказилди. Бу юришлар ҳаракатдаги составдан унумли фойдаланишга, ёнилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга, пассажирларга юксак даражада маданий хизмат кўрсатишни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ички имкониятларини топишга, агрегат ремонти пости ишига, цехларни қишки мавсумга ишлашга тайёрлашга, хўжалик автомашиналари иши, медицина пунктининг фаолияти, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби масалаларга қаратилди. Ўтказилган текширувлар натижасига кўра, корхона маъмурияти ва партия ташкилоти айбдорларга нисбатан жазо чораси қўллайди ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда.

Масалан, шу йилнинг ўзида топилган камчиликларни бартараф этиш ва айбдорларни жазолаш ҳақида дирекция томонидан 30 дан ортиқ кишига маъмурий чора кўрилди. Жумладан, ўнга яқин кишига ҳайфсан эълон қилинди, ўнга яқин киши мукофотдан маҳрум этилди ва бешта шофёр хўжалик ишига ўтказилди.

Коллектив эришган ютуқларда А. Қамбарбеков бошлиқ назоратчиларнинг муносиб ҳиссалари бор. Улар эришилган ютуқлар билан чекланиб қолишмайди. Партия бюроси ва халқ контроли бош группасининг бюроси назоратчиларнинг сиёсий ва комсомол ўқувларига алоҳида эътибор бермоқда.

А. ОБИДХУЖАЕВ.

• *Назоратчилар ҳақида ҳикоялар*

КОЛЛЕКТИВДА ОБРЎ ҚОЗОНИБ

Бирлашма ҳисоблаш марказида

Шаҳримиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этилган ҳисоблаш маркази бухгалтерия, илғор ишлаб чиқариш жараёнлари ва янги маҳсулотлар таннархини аниқлаш ва ҳисоблаш борасида натта ишларни олиб бормоқда. Бу ишда замонавий электрон ҳисоблаш техникасидан кенг қўлланилмоқда.

СУРАТЛАРДА: ҳисоблаш марказининг илғор смена бошлиғи инженер Х. Юсупова; ишчан операторлардан Н. Устинова ва С. Антошкина иқтисодий характердаги материалларни ҳисоблаш пайтида.

М. Нуриддинов фотолари.

ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ

И. Печерникова

Қалб саховати

И. А. Печерниковнинг Ульяновлар оиласидаги тарбияга бағишланган бу китоби Москва сиёсий адабиёт машриётида тўртинчи марта чоп этилди. Шу нашрдан қилинган таржима «Ўқитувчи» нашриётида босмага тайёрланди. Китобдан айрим парчаларни оқшомхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

Ульяновлар ота-онасининг куч-гайрати болаларда ўзини интизомга ўргатиш, мустақил бириб олиш, ўз-ўзини камол топтириш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган эди. Уларга, агар ўзлари истасалар кўп нарсаларга эришишлари мумкин, деган фикр сингдирилади.

Ульяновларнинг барча фарзандлари астойдил билим олишар, кўп ишлашар, китоб ўқишар, жисмоний иш билан шуғулланишар, ўз характерларини чиниқтиришар эди. Уларнинг ҳаммасига ўзини интизомга бўйсундириш хос эди. Аммо бундан олдин инсонда одатда интизомни тарбиялаш керак. Бу иш Ульяновлар оиласида болалар ҳали кичкина бўлган пайтларидаёқ бошланарди.

Хонадонда ҳар хил воқеалар бўлиб турарди. Болалар болаликларини қилишарди. Володя, Оля ва Митя айниқса шўх эдилар. Анна Ильиничнанинг ҳикоя қилишича, бир куни Саша ўзи тўплаган театр афишаларини гиламга ёзиб ўтирарди. Дафъатан хонага кичкинтой Володя югуриб кириб, афишаларни босиб юра бошлайди ва баъзиларини йиртиб ташлайди. Мария Александровна ўғлини тезда олиб чиқиб кетади.

Баъзан болалар рухсатсиз уйдан чиқиб кетишарди. Бир куни Володя кўчага чиқиб, йўлнинг ўртасига ўтириб олади. От босиб кетишига сал қолади, тасодиф туфайлигина у омон қолган эди.

Баъзан болалар бир-бирларининг жиғига тегишар, шуғулланишга ҳалақит беришарди.

Ота билан она қандай қилиб болаларнинг мустақиллиги ва ташаббусини бўғмасдан уларда интизом ва ўзларига юксак талабчанликни тарбиялай олдилар?

Аввало шуни айтиш керакки, Ульяновлар оиласида жисмоний жазо мутлақо ишлатилмаган. Илья Николаевич атоқли рус педагоги ва врачи Н. И. Пироговга доимо қойил қолиб юрар ҳамда унинг қуйидаги фикрига тамомила кўшилар эди. «Хипчин билан савалаш —уялтириш учун ортиқча кўпол ва ғайритабиий воситадир. Уялиш туйғуси эса шу қадар нозик гулдирки, у кўпол кишининг кўлига тушиши биланоқ сўлиб қолади. Хипчин ҳайиқишга мажбур этади—бу тўғри, аммо бу ҳайиқиш тузатадиган, ишончли бўлмайди, балки ахлоқий айнигликни яширадиган бўлади. У қўрқоқларнигина тузатади, аммо уни хавфсизроқ бошқа воситалар ҳам тузатиши мумкин...»

Тўғри, Н. И. Пироговнинг ўзи охиригача изчил бўлмай, хипчин билан пўписа қилишга йўл қўйган эди. Илья Николаевич бу фикрга ҳам карши эди. Жисмоний жазо билан ҳеч қандай пўписага йўл қўйиш мумкин эмас! Хипчин ўқталишга сира йўл қўйиб бўлмайди! У болаларга пўписа қилиб ва азоблаб таъсир кўрсатишни қатъий рад этар, боланинг қалбини чуқур ўрганишга, унинг онгига таъсир қилишга, унинг юрагига йўл топишга даъват этар эди.

Ҳақиқатан ҳам, нима учун кўпгина тарбиячилар ёввойилар ва педагогикадан бехабар кишиларнинг ваҳшиёна воситаси бўлган жисмоний жазодан фойдаланадилар? Ҳа, фақат консерватизм оқибатими («Бобом отамни хипчинлаган, мени отам калтаклаган, мен ўғлимни ураман— қадим замонлардан бери ана шундай удум бор»)? Бунда тарбиячининг заифлиги — ёки дангасалиги намоён бўлмайдими? Болага таъсир ўтказиш учун унинг қилмишларини ва уларни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш керак. Тарбиячи, педагог ёки ота-она ўзини шундай қўя билиши керакки, бола унинг талабларини бажонидил бажарсин, уларнинг обрўсини тан олсин. Болаларнинг ҳаммаси тарбиячилардан катта куч сарфлашни, болалар ҳаётини чуқур ўрганишни ва ўзлари учун намуна бўлишларини талаб қилади. Бу эса оддий ва осон иш эмас. Болани жазолаб қўяқолиш осонроқ. Бола билан самимий алоқа ўзилишининг, унинг ғайрати ва мустақиллиги ривожланишига ғов бўлиш мумкинлигининг аҳамияти йўқ. Энг муҳими — болалар нотинчлик ва дилсиёҳликка сабаб бўлмасалар, бас.

Эр-хотин Ульяновлар бундай тарбиячи бўлишни истамадилар ва бундай бўлишлари мумкин эмасди.

Ульяновлар оиласида умуман қандайдир жазолардан фойдаланилармиди? Ҳа, киччинтойларнинг бирортаси шўхликни ҳаддидан ошириб юборса ва умуман ножўя иш қилса, уни ота кабинетига олиб кириб, болалар «қора кресло» деб аташадиган катта чарм креслога ўтқазиб қўйишарди ва у шу ерда муайян вақт давомида ўтириб, ўз қилмиши устида ўйлаб кўриши керак эди. Баъзан айбдорга ҳайфсан эълон қилинарди, бу ҳам анча оғир маънавий жазо эди. Бундай ҳайфсан — кучли жазо ва айни вақтда виждонни тарбиялаш эди.

Сокин оқшом соатларида, ҳамма бирор нарса билан шуғулланиб ўтирганида Володя тўсатдан тўполон қилиб, ҳаммага ҳалақит бера бошласа, отаси болани ўз кабинетига олиб кириб, ёнида жим ўтиришга мажбур этарди. Тиниб-тинчимас Володя учун бундай жазо ҳам енгил бўлмагандир, албатта.

Ульяновларнинг қариндошлари ва дўстларининг хотираларида жазонинг бошқа турлари ҳақида ҳеч қандай гап йўқ.

Умуман Ульяновларнинг тарбия системасидан жазо жуда кам ўрин олган. Киччинтойларга нисбатан жазо ўрнига кўпинча оддий ва кенг тарқалган педагогик воситалар қўлланилган — эътиборни бошқа нарсага жалб қилишдан фойдаланилган. Қўпгина хотираларда ҳикоя қилинишича, она шўхлик қилаётган болаларни овқатхонага олиб кириб, рояль чалар ва улар билан бирга болалар қўшиқларини айтар ёки улар билан бирга ўйнар эди, баъзан она болаларни боққа чиқариб юборарди.

Аммо ота-онага болаларни интизомли қилиб тарбиялашда ёрдам берган энг муҳим нарса — жиддий, изчил ва муттасил талабчанлик бўлди. Илья Николаевич инспектор сифатида ғоят қаттиққўл ва талабчан, айни вақтда хушмуомала ва меҳрибон эди. И. Н. Ульянов ўз кўрсатмаларининг бажарилишини қатъий талаб қилар, аммо ўзини доимо яхши тута билардик. Ўқитувчиларнинг лавашанглиги ёки ўқувчиларнинг интизомсизлиги дуч келса, ҳеч қачон овозини баланд қилмас эди. У ҳамиша онгга таъсир қилишга, ўзини яхшилашга онгли ва қатъий иштиёқ туғдиришга ҳаракат қиларди, айни вақтда ўз ҳамкасблари ва ўқувчиларда масъулият туйғусини қунт билан ривожлантирарди. Илья Николаевич оилада ҳам худди шундай эди. Болалар ҳар қандай ножўя иш қилсалар ҳам, бақириқ-чақириқларга, қаттиқ таъналарга ва айниқса ҳақоратга йўл қўйилмас эди.

Н. Г. Чернишевский бундай деб ёзган эди: «Ҳақоратни кам эшитган бола ўз шаънини кўпроқ қадрлайдиган киши бўлиб етишади». Бу фикр Илья Николаевич ва Мария Александровна Ульяновларнинг шахсий эътиқодларига жуда мос бўлиб тушарди. Болаларнинг инжиқликлари уларнинг жаҳлини ҳар қанча чиқармасин, доимо ўзларини тута билардилар, таъсир кўрсатишнинг оқилона воситаларини топа олардилар ва талабларини ўтказардилар.

Оила турмушининг пухта ўйлаб ташкил этилганлиги интизомни тарбиялашга ёрдам берарди. Анна Ильиничнанинг ёзишича, Владимир Ильич уюштириш истеъдодини онасидан мерос қилиб олган.

Хонадонда болалар учун илк пайтларданоқ овқатланиш, ухлаш, машғулот, ўйинларга ажратиладиган соатлар аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, уларда режимга қатнашардилар.... Тушки овқатдан кейин Володя дарҳол дарс тайёрлашга ўтириб, дарсларини зўр эътибор ва қунт билан бажарарди... Дарс тайёрлаб бўлгач, у синглиси Оля билан қизиқиб ўйнарди. Сўнгра ҳаммамиз ўтириб чой ичардик; кечкурун роппа-роса соат 8 да кечки овқатни ердик, соат саккиз яримда эса Володя уйқу олдидан ювинарди-да, ҳамма билан хайрлашиб, тезда ўрнига бориб ётарди ва дарҳол ухлаб қоларди.

Ульяновларнинг бошқа болалари сингари Володя учун ҳам бу режимни ота-она белгилаб, улар режимнинг бажарилишини қатъий талаб қилардилар.

Уйда «сукунат соатлари» деб аталадиган соатлар жорий этилган бўлиб, бу пайтда ҳамма: ота-она ҳам, болалар, шу жумладан киччинтойлар ҳам айни вақтда ишлашар ёки ўқишарди. Бу соатларда сукунатни бузишга рухсат этилмасди. Дмитрий Ильич ўз мақолаларидан бирида бундай деб ҳикоя қилган эди:

«Болалик пайтимда, беш-етти ёшларлигимда уйимизда кечган оқшомни эсламай иложим йўқ. Ҳамма жойда ва ҳамма нарсада ғоят вазиятли ҳукм сурарди. Отам ўз кабинетида ишлаб ўтирибди. Иккинчи қаватда акаларим Саша билан Володя ҳар бири ўзининг алоҳида хонасида китоб мутолаа қилишади. Паст қаватдаги ошхонада катта стол ёнида онам бирор нарса тикиб ёки бошқа иш билан машғул бўлиб ўтирарди. Шу стол ёнида опаларим Аня билан Оля китоб-дафтарлари билан ўтиришади, кенжатойлар бўлган бизлар ҳам (Митя билан Маня) жим ўтириб нима биландир машғул бўламиз. Шовқин солиш ва катталарга халақит бериш қитъиян тақиқланади. Баъзан бирортамиз гиншиб қолсак ёки Володя дарсини тамомлаб пастга тушгач шовқин кўтарилса, дархол отамиз кабинетдан чиқиб, жиддий огоҳлантирарди: «Бу нима шовқин? Иккинчи мен буни эшитмай!» — яна ҳамма жим бўлиб қоларди. Сира бўлмаса, отам айбдорлардан бирортасини кабинетига олиб кириб, ёнида бирор иш билан машғул бўлишга мажбур этарди. Умуман, тартиб қатъий эди».

Бундай сукунат соатлари болаларда интизомга бўйсунишни, оиланинг бошқа аъзоларига ҳурмат туйғусини, ўзини тута билишни шакллантирарди.

Болаларнинг ташаббуси ҳеч қачон бўғилмасди. Аммо улар илк болалик чоғиданоқ нима мумкин ва нима мумкин эмаслигини аниқ билишарди. Оилада бу хусусда учта қатъий қоида бор эди. Биринчиси — мумкин бўлмаган ишни қилиш мумкин эмасди, ҳеч қандай чекинишга йўл қўйилмасди. Киччина Оляга энди ухлагин, дейишса, йиғлаб қаршилик кўрсатар, барибир ҳамиша кўзини юмиб ухламай ётишини айтарди. Аммо ҳеч қандай кўз ёшлари ва норозиликлар ёрдам бермасди. Уз вақтида ётиб ухлашга тўғри келарди.

(Давоми бор).

• *Маданият хроникаси*

КИНОЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Республика Киночилар уйида тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ранса Яковлевна Михайлюк ҳамда «Ҳаво пиёдалари» номли янги бадиий фильм яратувчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Р. Я. Михайлюк ўзи ва ҳамкасбларининг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш бўйича бошланган мусобақада қандай иштирок этаётгани, қўлга киритган ютуқлари ҳақида гапириб берди. Бу илғор ишчи аёл ҳозир 1983 йил ҳисобига меҳнат қилянти.

«Ҳаво пиёдалари» фильмининг постановкачи-режиссёри Ю. С. Степчук эса янги кинолента, уннинг яратилиш жараёни ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Яқин кунларда «Илондан сақлан!» бадиий фильми яратувчилари ҳамда олий милиция мактаби тингловчилари билан учрашув ўтказиш мўлжалланмоқда.

ОТА-БОЛА РАССОМ

«Гунча» журнали редакцияси Октябрь районидаги «Гунча» болалар кинотеатрини оталиққа олган. Кинотеатр фойесида «Гунча» ўқувчилари чизган расмлардан кўргазма ташкил этилган эди. «Ҳар доим бўлсин қўёш» деган ушбу кўргазма уч ой намойиш этилди.

Яқинда кинотеатр фойесида журнал рассомларининг асарларидан тузилган янги кўргазма очилди. Бунда кекса рассом Е. Одилов ва унинг икки ўғли Қобил ва Олим Одиловлар ижоди намойиш қилинмоқда.

Ҳозир Қобил Ленинграддаги Репин номидаги рассомчилик Академиясида таълим олаётган бўлса, Олим Тошкентдаги Беньков номли рассомчилик билим юртида ўқиқмоқда.

С. ҒАФУРОВ.

«ЭРТАГА ЧИҚАСАНМИ?»

пойтахтимизнинг «Пионер» кинотеатрида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Эртага чиқасанми?» бадиий фильмининг жамоатчилик кўриги ва муҳокамаси бўлиб ўтди. Болаларнинг ўй-кечинмалари ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильмга Қамара Камолова режиссёрлик қилган.

Фильм муҳокамасида кинотанқидчилар, суратга олувчилар, методистлар, педагогика ва театр институтларининг студентлари, журналистлар қатнашиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

«ХЎРОЗ ҚИЧҚИРИҒИ»

Шаҳримиздаги кино уйида совет режиссёрлари суратга олган фильмлар ва кўпгина чет эл фильмлари намойиши муваффақият билан ўтмоқда. Бу ерда айниқса Улуғ Ватан уруши мавзуидаги, ҳозирги ёшларнинг ўй-кечинмалари, авлодлар ўртасидаги масалалар ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар зўр қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Яқинда бу ерда такрорий фильмлар оқшоми бўлиб ўтди. Ўнда СССР Кинематографчилари союзи аъзоларининг талабларига биноан болгар киночиларининг «Хўроз қичқириғи» фильми намойиш этилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЗАРБДОР СУРЪАТ БИЛАН

ПРАГА. Чехословакия меҳнаткашлари ЧКПнинг бўлажак XVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборадилар. Завод ва фабрикаларда, қурилиш ва муассасаларда бўлаётган митингларда ҳамда актив кенгашларида олтинчи беш йиллиннинг якунловчи йили планларини тўла ва ўз вақтида бажаришга қаратилган оширилган мажбуриятлар қабул қилинмоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Острава яқинидаги Запотоцкий номли шахтанинг кончилар бригадаси бошлиғи М. Жабчик бундай деди:

— Биз мамлакатга нложи борича кўпроқ ёқилғи бериш учун барча резервлардан фойдаланмоқчимиз.

ЧССР Социалистик ёшлар союзи ташкилотининг аъзолари «Дукована» атом электр станцияси қурилишида съезд шарафига жамоатчилик асосида 20 минг соат ишлаб беришга, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан 1 миллион крон миқдорида маблағ тежашга қарор қилдилар.

САНИТАР ЎСИМЛИКЛАР

БУДАПЕШТ. Венгрия олимлари булғанган сувни қамиш, қиёқ, ажриқ ва бошқа махсус танлаб олинган сув кўкатлари ёрдами билан тозалашни таклиф қилдилар. Далдан тушган ва таркибида сунъий ўғит ва бошқа химиявий моддаларнинг қолдиқлари бўлган сув санитар ўсимликлар ўстирилаётган чоғроқ ботқоқ участкага юборилади. Бу ўсимликлар зарарли аралашмаларни тортиб олади.

Янги методнинг фазилати шуки, сув ниҳоятда сифатли тозаланади. Бу усулни Балатон кўлини янада тиниқлаштириш учун ҳам қўллаш мўлжалланмоқда.

РЕКОРД МУДДАТЛАРДА

БУДАПЕШТ. Венгриянинг Будапештдаги кемасозлик ва кран заводи меҳнаткашлари кучли сузувчи кран қуриш ишини қисқа муддатда тугалладилар. 120 минг тонна юк кўтарадиган бу улкан кран корхона стапелларидан икки ойдан сал кўпроқ вақт ичида сувга туширилди. Янги кран шу йилнинг охирида Венгрия пойтахтидаги энг узун Арпа-ада кўпригини реконструкция қилиш ишида фойдаланилади.

Венгрия кемасозлик ва кран заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотни жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида яхши билишади. Завод ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг қарийб 80 проценти— портал ва сузувчи кранлар, шатакчи кемалар, контейнерлар, аввало, Совет Иттифоқига ва бошқа қардош социалистик мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Шу вақтгача корхона стапелларидан сувга туширилган 500 дан кўпроқ сузувчи кранларнинг деярли ҳаммаси чет эллик буюртмачиларга жўнатилди.

БИРМАЛИК ИЛҒОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

РАНГУН. Бирма давлат ва кооператив секторлари саноат корхоналари ходимларидан 532 киши «Намунали ишчи» номига сазовор бўлди. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш учун ўтказилган мусобақа ғолибларидир. Энг яхши ишчилардан 48 киши «Меҳнатга социалистик муносабат учун» фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Бирма социалистик программа партиясининг ташаббуси билан 17 йил муқаддам бошланган мусобақа ҳалигача давом бормоқда. Ҳозир бу мусобақада 330 корхонанинг 193 мингдан кўпроқ ишчиси қатнашмоқда. Ғолиблар орасида тўқимачилик фабрикалари ва нефть тозалаш заводларининг ходимлари, кончилар, темирйўлчилар, Рангун портининг докерлари бор.

ҲАММА САВОДХОН БЎЛАДИ

АДДИС-АБЕБА. Эфиопияда саводсизликни тугатиш умуммиллий кампаниясининг учинчи босқичи муваффақиятли ниҳоясига етди.

Тўпланган тажрибани умумлаштириш ва шу йил 10 ноябрда бошланадиган саводсизликни тугатиш кампаниясининг тўртинчи босқичини ўтказиш конкрет планларини ишлаб чиқиш мақсадида мамлакат пойтахтида саводсизликни тугатишга бағишланган умуммиллий семинар очилди.

Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг бош секретари Фикре-Селассие Вогдересс семинар қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлаб бундан деди: социал адолат ва тенглик ҳукм сурадиган янги жамиятни барпо этиш маориф соҳасида революция қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боисдан ҳам муваққат ҳарбий маъмурий кенгаш туб социал-иқтисодий ўзгартиришлар ўтказиш билан бир қаторда, кенг халқ оммасининг маданий, умумий маълумот ва сиёсий савиясини оширишнинг комплекс программасини ҳам ишлаб чиқди.

Дастлабки уч босқичнинг натижалари, деб таъкидлади муваққат ҳарбий маъмурий кенгашнинг бош секретари, саводсизликни тугатиш кампанияси бутун аҳоли манфаатларига мос бўлиб тушади ва аҳоли томонидан тўла-тўкис қўллаб-қувватланмоқда. Бу натижалар Эфиопияни ёппасига саводхонлар мамлакатига айлантириш режаларининг реал эканлигини ҳам исбот қилади. Бу эса социалистик жамият негизларини барпо этиш йўлида Эфиопия революциясининг катта ғалабаси бўлади.

Ю. ПИЧУГИН.

ДАВЛАТ СЕКТОРИГА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА

КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзия молия министрлигининг ахборотида бундай дейилади: давлат сектори навбатдаги беш йиллик (1981 — 1985 йиллар) мобайнида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш планларида ҳали ҳам етакчи роль ўйнайди. Бошланадиган молия йилининг ўзидагина давлат сектори учун ажратиладиган маблағлар 9 миллиард ринггитни ташкил этади. Бу эса шу йилдагига нисбатан 19 процент кўпдир. Давлат кемалар қатнови ва авиатранспорт корпорацияларининг фаолиятини кенгайтиришга, нефть химияси ва кончилик саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

АМАЗОНКА ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

БРАЗИЛИА. Бразилия ташқи ишлар министри Рамиру Сарайва Геррейру бундай деди: Амазонка дарёси ҳавзасининг бойликлари Лотин Америкасининг социал-иқтисодий тараққиётига хизмат қилиши лозим. У Амазониядa ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома қатнашчиси бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг Лелен шаҳрида очилган 1-кенгашида сўзга чиқиб, жаҳондаги энг йирик дарё ҳавзасини ўзлаштиришда шартнома аъзоси бўлган давлатларнинг илмий-техникавий ҳамкорлигининг зарурлиги ва муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Рамиру Сарайва Геррейру Амазонка табиий бойликларини ваҳшиёна эксплуатация қилишни тўхтатиш соҳасидаги шартноманинг катта аҳамиятга эга эканлигини уқтирди.



Рио-де-Жанейро — Бразилиянинг энг йирик шаҳарларидан бири, мамлакатнинг собиқ пойтахти. СУРАТДА: шаҳар марказида.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Х. САОДАТОВ: Мен дўстимнинг хонадонига меҳмон бўлиб борган эдим. У ерда деворга осилган чиройли эстамп-санъат асари менинг диққатимни тортиб қолди. Бундай асарлар кам нусхада қандай тайёрланади?

Жавоб: Эстамп графика санъатининг чинакам асл нусхаси ҳисобланади. У одатда рассом тош, ёғоч, линолеум ёки металлга ишлаган асл нусхасидан қоғозга кўчирилади. Унинг тайёрланиш жараёнида рассомнинг ўзи бевосита иштирок этади. Ҳар бир нусхани рассомнинг ўзи дастхатлайди. Бу репродукция бўлмасдан балки асл нусхага яқинлашган намуна ҳисобланади. Эстампнинг бир неча хил намуналари бор. Улар автолитография, ксилография, гравюра, линогравюра, офорт намуналаридир.

* * *

С. ҲАМДАМОВ: Шаҳримиз кутубхоналарида энг катта ҳисобланган китоб борми?

Жавоб: Сиз тасаввур этмоқчи бўлган энг катта китоб чиндан ҳам бор экан. У Алишер Навоий номли республика Давлат халқ кутубхонасининг нодир нашрлар бўлимида сақланмоқда. Бу китоб ўзининг ҳажми жиҳатидан ҳозирча тенгсиз ҳисобланади. Бу китоб 594 жилддан иборат бўлиб, шаҳримизда яшаган машҳур тадқиқотчи ва адабиётчи Б. И. Межов ҳиммати билан тузилган. Китобнинг саҳифалари Ўрта Осиё тарихи ва маданияти ҳақида жуда кўп рангбаранг маълумотлар беради. Газета ва журналлардан қирқиб олинган мақолалар унинг саҳифаларини безаб турибди.

* * *

Ш. АКБАРОВ: республикамизда диққатга сазовор бўладиган боғ борми?

Жавоб: Яқинда Англиянинг пойтахти Лондонда табиатшуносликка доир бир китоб нашр этилди. Унда жаҳонинг гўзал боғлари ҳақида ҳикоя қилинади. Китобда ер куррасидаги 48 та ботаника боғи ҳақида фикр юритилади ва маълумотлар келтирилади. Ана шу боғлардан бири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тошкентдаги Ботаника боғидир. Шундай қилиб, бу сўлим табиат маскани ер куррасн бўйича энг гўзал боғлардан бири деб тилга олинган.

* * *

Д. ҚИЛИЧЕВ: Яқинда мен бадиий асар ўқиётганимда «Бенефис» деган сўзни учратиб қолдим. Унинг мазмунини изоҳлаб берсангиз.

Жавоб: «Бенефис» сўзи одатда театр санъатида кўпроқ ишлатилади. Ў театр репертуаридаги энг яхши асарлардан бирининг узоқ вақт давомида ижро этилишини англатиш мақсадида бенефис ўтказилади. Масалан, спектаклнинг 500 марта ижро этилиши бенефис ҳисобланади.

Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрида бундай бенефислар бўлиб ўтган. Марҳум санъаткор, СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов Шекспирнинг «Отелло» трагедиясини беш юзинчи марта ижро этиши «бенефис» — артистнинг катта ижодий ҳисоботи тарзида ўтказилган. Ушанда санъаткор бу ролни жуда ҳам юксак маҳорат билан ижро этган эди.

* * *

М. ТОШМАТОВА: Тошкент шаҳрида қанча кинотеатр бор? Уларда бир кунда қанча томошабинга хизмат кўрсатилади?

Жавоб: Ҳозирги пайтда шаҳримизда 24 та кинотеатр ишлаб турибди. Уларда бир кунинг ўзида 50 мингдан ортиқ томошабинга турли фильмлар кўрсатилади.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ

«ЛИСТОПАДНИЙ» ИМТИҲОНДАН ЎТМОҚДА

Республиканинг турли областларидаги йигирмата нав участкаларидан, шунингдек Озарбайжон ва Тожикистонда шу куз Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари яратган ва улар узилнесил синовлар учун давлат нав синаш тармоқларига берган янги истиқболли ғўза навининг чигитлари олинди. Натижалар тадқиқотчиларнинг кутганидек бўлиб чиқди. Ҳамма ерда синов участкаларидан гектар бошига айланти рганда толаси яхшиланган 50 центнер ва ундан кўп пахта олинди. Чунончи кўсак очилиши билан ғўза баргини дефолиация қилинмай туриб тўкаверди ва машина теримига тайёр бўлди. Бу нав «АН-Листопадний-1» деб аталади. Ғўзанинг шу янги нави яратилган мутагенез лабораториясининг раҳбари, биология фанлари кандидати Абдусамат Эгамбердиев:

— Навнинг номи асосий мақсадни кўрсатиб турибди, —дейди. —Биз бу ишни етмишинчи йилларда бошлаган эдик. Дефолиант моддалар— заҳар бўлиб, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Препаратни такомиллаштира бориб, унинг муҳитга номатлуб таъсирини камайтириш, лекин батамом йўқотиб юбориш мумкин эмас.

Мутагенез лабораториясидаги изланишлар чоғида ғўзанинг ирсий аппаратига актив таъсир кўрсатувчи зарур мутаген препарат —этиленимен топилда. Чигитга шу препарат билан ишлов бериб, эрта барг тўкиш аломатлари бўлган ғўза олинди. Уларни серҳосил «Тошкент» нави билан чатиштириш натижасида авторлар кейинги селекция ишлари учун зарур материалга эга бўлдилар ва бунинг натижасида «Листопадний-1» нави вужудга келтирилди.

Узоқ йил тажрибамайдонларида ғўза баргининг табиий тўқилиш проценти 90 процентга етказилганида нав шу номни олди. Бу йил пахта пайкалларида ўтказилган синов чоғида ҳам шундай натижага эришилди.

А. БАРАНОВ.

УзТАГ мухбири.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет оқшоми

28 ОКТЯБРЬ, 1980 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/Х да Рўйхатларда йўқ, 29/Х да Қизил яловдаги кўк тулпорлар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/Х да Республика театрларининг ёш ижодкорлари конкурс голиблари ҳисобот концерти ва ижодий учрашув.

КИНО

28 ОКТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ПАРЛАМЕНТОРИЛАР» — Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.

«МУҚАДДИМА» — Кунча.

«ТАЯНЧ» — С. Раҳимов номли.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАЛОСКОР» — Чайка (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ БЎЛИМИНИНГ АХБОРОТИ» — Тинчлик (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«ГАГАРАЛАР ОВОЗИ» — Дружба (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), Козогистон (телефон 35-24-92).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ» — Дружба (тоқ соатларда), Узбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«БАБЕК» — Искра (17, 19.45, телефон 39-14-59).

29 ОКТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«ПАРЛАМЕНТОРИЛАР» — Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.

«МУҚАДДИМА» — Кунча.

«ТАЯНЧ» — С. Раҳимов номли.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАЛОСКОР» — Чайка (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ БЎЛИМИНИНГ АХБОРОТИ» — Тинчлик (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«ГАГАРАЛАР ОВОЗИ» — Дружба (жуфт соатларда, телефон 66-15-75), Козогистон (телефон 35-24-92).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ» — Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), Узбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«БАБЕК» — Искра (17, 19.45, телефон 39-14-59).

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдосининг

ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИ

(Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, 2-уй)

ҚУЙИДАГИ ОБУНА НАШРЛАРИГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Г. ГЕЙНЕ. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР. 6 томлик. Бир сўм олдин тўланади.

РУС ТИЛИ СЛОВАРИ. 4 томлик. 10 сўм олдин тўланади.

Ўқувчи кутубхонаси. «В. И. ЛЕНИН ҲАЕТИ». 10 томлик. Бир сўм олдин тўланади.

Обунада қатнашишни истаганлар магазинда 1 ноябрь, соат 9.00 дан 18.00 гача олдиндан рўйхатга ёзилишлари мумкин.

Рўйхатга ёзилиш вақтида паспорт кўрсатилади.

Обуна ўйини 2 ноябрь соат 10.00 да ўтказилади.

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, қабул қилувчилар, муқовачилар ва саноб ўтилган мутахассисликлар бўйича шогирдлар, слесарь-сантехниклар, компрессорли ва совутиш қурилмаларининг машинистлари, аккумуляторларни зарядловчилар, газ пайвандчи, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар, вахтёрлар, фрезерчилар, слесарлар, токарлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

КАРТОГРАФ — ГРАВЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳрида доимий пропискада турувчи 8—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 10 ой. Стипендия — 63 сўм. Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Орипов кўчаси, 8-уй, кадрлар бўлими (4, 9, 24, 51, 69, 71-автобуслар; 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Козогистон» кинотеатри бекати).

«ШИРИН» ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ЗАРУР КАСБЛАР ЖУДА КЎП. ЭНГ МУҲИМИ—КЎНГИЛГА ЎТИРИШАДИГАН ИШ ТОПИШДИР. АНА ШУНДА МЕҲНАТ КИШИГА ҚУВОНЧ КЕЛТИРАДИ.

АЗИЗ ҚИЗЛАР!

АГАРДА СИЗ САВДОДА ИШЛАШГА ҚАРОР ҚИЛГАН БЎЛСАНГИЗ

«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ

Сиз бу ерда 6 ойлик ўқиш ва меҳнат практикаси даврида озиқ-овқат моллари сотувчиси касбини эгаллаб чиқасиз. «Ширин» мактаб-магазинига кирганлар А. Икромов район магазинларига ишга юборилади.

«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 16 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Фақат Тошкент шаҳрида доимий пропискада бўлиш шарт.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Мактаб-магазин маъмурияти битирувчиларнинг ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришлари ҳақидаги истакларини қўллаб-қувватлайди.

Хоҳловчиларга интизомли равишда Тошкент савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига, келгусида эса Совет савдоси институтига киришлари учун имконият яратади.

«Ширин» мактаб-магазинига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: аттестат ёки 8-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома, паспорт ёки туғилгани ҳақида гувоҳнома, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика, агар бўлса, меҳнат дафтарчаси, яшаш жойидан справка, 2 та фотосурат (6x9 см.).

«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 23-квартал, Ғафур Ғулом кўчаси, 42-уй (2, 41, 54-автобуслар, 4, 9, 19-трамвайларнинг «Ширин» мактаб-магазини бекати).

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР ЭКРАНЛАРИДА

«ХАЛОСКОР»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМНИ НАМОЙИШ ҚИЛМОҚДА

Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр — Сергей СОЛОВЬЕВ.

Ролларда: Татьяна ДРУБИЧ, Василий МИШЧЕНКО, Сергей ШАКУРОВ, Ольга БЕЛЯВСКАЯ, Вячеслав КОНОНЕНКО, Александр КАЙДАНОВСКИЙ.

«Халоскор» фильми номининг ўзи ҳам қайиқ станциясида қутқарувчи вазифасида ишловчи асар қаҳрамонларидан бирининг касб-корини тўғридан-тўғри ифода этади. Аммо бу ном ўқувчилар руҳини мешчанлик, эътиқодсизлик ва ҳиссиёт қашшоқлигидан «қутқарувчи» ўқитувчига ҳам таллуқлидир, деб фараз этсак янглишмаймиз. Бу— фильм контекстида кескин ва кинояли мазмун кашф этади.

Экран замонавийлик ҳақида ҳикоя қилар экан у сўзсиз ҳаётимизнинг ўзига хос белгиларини акс эттиради: мода, жаргон, баҳс мавзулари. Биз юбкаларнинг узун-калталиги ва шимларнинг кенг-торлигига қараб вақтни бехато аниқ белгилаб оламиз.

Сергей Соловьев фақат «бугун» ҳақидагина эмас, балки «боқимандалик» хусусидаги фильмларни ҳам суратга олади. Унинг қаҳрамонлари барҳаёт қишилар, ўз замондошларимиз, уларни таниб турамиз. Бироқ уларни ташқи белгиларидан эмас, автор катта меҳнат ва изланиш эвазига эришган картина мантиқидаги оддий ва абадий ҳақиқат— ҳар бир киши учун хос руҳий кечинмалардан, инсонийликдан билиб оламиз.

«Халоскор» фильми воқеалари ғоят қисқа— салкам икки кун ичида содир бўлади. Сюжет контурларидан ҳоли. Картина эпизодлари худди бир-бири билан кесишмаётгандай эркин равишда ўта боради. Аммо у бизгагина эркин туюлади. Аксинча фильмдаги бадиий тасвирлар, алоҳида деталлар ягона мақсад ва ғояга йўналтирилган. Фильмдаги деталлар мажмуаси —бу бир бутун ички олам, яхлит катта асардир.



«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

40-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қўшимча

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **қурилиш машиналарини тузатувчи-слесарлар, минорали кран машинистлари, экскаватор машинистлари, қурилиш дурадгорлари, автослесарлар, бетон конструкцияларининг пардозловчилари.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ИИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар 30 сўмдан (экскаватор машинистлари ва минорали кран машинистларига 75 сўмдан) **стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида маошнинг 50 процентн билан таъминланадилар.**

ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчиларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланма берилади.

Билим юрти қошида вокал-чолғу, халқ чолғу ансамбллари, турли спорт секциялари, фото ва техника ижоди тўгаракларида мунтазам ишлаб туради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт (туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, 3x4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунидан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Тошкент шаҳри, «Троллейная» кўчаси, 46-уй («Горький» метро станциясидан 4-автобуснинг «Котельная» бекатигача).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар оғзича

1980—81 ЎҚУВ ИЙЛИ УЧУН

сувоқчи-бўёқчи-плитачи, бульдозер, скрейпер, прицепли грейдер машинисти, автомобиль ремонти оғзича слесарь (техника билим юртини тамомлагач, автослесарлар база ташкилоти ҳисобидан профессионал ҳайдовчи «С» категорияли правасини олиш учун ДОСААФга ўқишга юборилади), слесарь-сантехник, автомобиль крани машинисти (профессионал ҳайдовчи «С» категорияли правасини олиш билан).

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ИИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар— группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш даврида слесарь-сантехник ихтисосидаги ўқувчиларга 65 сўм ҳажмида стипендия, қолганларига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади ёки уч маҳал бепул овқатланадилар, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини тамомлаган барча битирувчилар Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Техника билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт: директор номига ёзилган ариза, автобиография, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси (286 ёки 9-форма), яшаш жойидан справкалар, 6 та фотосурат (4x5 см.).

Бизнинг адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 10-троллейбус, 48-автобусларнинг «Лабзак» бекати).

«УЗХЛАДОТОРГМОНТАЖ» трестига қарашли

ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

Совутиш ва савдо технологияси ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича механиклар тайёрлайдиган

4 ЯРИМ ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент области шаҳарларида доимий пропискада турувчи, ёши 22 дан кам бўлмаган, камида 3-разрядли электриклар ёки ички ёниш электродвигателлари ремонти бўйича слесарь ихтисоси бўлган шахслар қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700032, Тошкент шаҳри — 32, Куйбишев район, Грампластинкалар кўчаси; 40-уй (1 «э», 17 «э»-автобуслар, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси» (ЦСУ) бекати). Телефонлар: 66-21-31, 66-03-65.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28, 29 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти

ГУЛЧОД ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Гулнора АЪЗАМОВА, Тоштемир ТОҲИРОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Гулнора ОДИЛОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«Ғузал» ансамблининг бадиий раҳбари—композитор—Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари—Туйғун ОТАБОЕВ.

Программани—Ойдин ТОҲИРОВА олиб боради.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

29 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

РСФСРда хизмат кўрсатган артист Валентин ИВАНОВ ва Ванда ИВАНОВА раҳбарлигидаги

СССРда ЯГОНА

«ШИМПАНЗЕЛАР ЦИРКИ» АТТРАКЦИОНИ

СОВЕТ ЦИРКИНИНГ ЕТАКЧИ АРТИСТЛАРИ ҚАТНАШАДИЛАР

Доимо манежда масхарабоз Юрий ҚАРАШКЕВИЧ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Томошалар соат 19.30, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

44-35-84, 44-35-91 телефонлари бўйича справка олиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

28 ОКТЯБРЬ—СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.15 Ўсмирлар учун музикали кечалар. Программада А. Хачатурян асарлари. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 20.15 «Ўспиринликнинг биринчи тонги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. П. Лукницкийнинг «Ниссо» повести мотивлари асосида. 21.30 «Время». 22.15 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Н. Рижов. 23.15 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Халқаро панорама». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Барвақт тур». Болалар учун кинофильм. 12.00 Болалар учун. «Фонарча» (такрорий, рус.). 12.30 «Ўйғун — драматург». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Шаҳзода ва гадо». Телевизион бадиий фильм (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Энг каттаси». Болалар учун мультфильм. 18.40 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.). 19.10 КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ— ҲАЁТГА! Эргаш Ҳикматов бригадасининг илгор тажрибаси. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Олий лига командалари ўртасида баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент) —«Жальгирис» (Каунас). 20.20 «Бобо». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Куйла, Ўзбекистон ёшлари». 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Ишга туширилиадиган объектлар сафга!» Косон ёғ-экстракт заводи. 22.35 «Театр учрашувлари». 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.25 Реклама. 21.45 «Меҳмонхонадаги воқеа». Телеспектакль (рус.).

29 ОКТЯБРЬ—ЧОРШАНБА

КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Сизга манзур шеърлар». 10.45 «Ўспиринликнинг биринчи тонги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.00 «Ёшлар ҳақида қўшиқлар». 12.35 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Комсомол туғилган кунга бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 «Лениндан ўрганамиз». 16.35 Рус ва совет музикасининг танланган саҳифалари. Д. Шостакович. 5-симфония. 17.25 «Совет тасвирий санъатида тарихий-революцион мавзу». 17.55 Туркиянинг миллий байрами—Республика эълон қилинган кунга. «Туркия бўйлаб». Ҳужжатли фильм. 18.10 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.45 «Биргаликда аҳил оиламиз». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Талабларингизга биноан учрашувлар». Норильск шаҳар металлургларининг саволларига жавоблар. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 20.25 «Ўспиринликнинг биринчи тонги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.15 Комсомол туғилган кунга. «Ёшлар адреслари». 23.30 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

22.00 «Солдат хотирасига содиқмиз». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Рига)—«Динамо» (Москва). 2 ва 3-даврлар. Ригадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.50). «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сепкилли бола варрак учирмоқда». Болалар учун мультфильм. 18.25 «Шоирлар—болаларга». Пўлат Мўмин. 19.00 «Ҳаёт каби тирик». Илмий-оммабоп программа. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол ёшлигим менинг». 20.30 «Ахборот». 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Хирмонингизга барака». 22.30 Ўзбекистон ёзувчиларининг VIII съездига. «Ҳаёт қаҳрамонлари — адабиёт қаҳрамонлари». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси М. Қўшчонов олиб боради. 23.50 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Фрацуз тили. 20.55 «Китоб—дўстларимиз» (рус.). 21.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 22.25 «Қалб кечирмайди». Бадиий фильм.

4 Тошкент бет. ОҚШОМИ

(«ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ») «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ». —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

28 ОКТЯБРЬ, 1980 й. Р. 16668. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б — 2230. 5